

# TOSHKENT OQSHOMI

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 15 (14,118) 13 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА 2023 йил



Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtfo.uz



vtfo\_uz@mail.ru



@Toshkent\_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi\_24



## АНОНС



“Янги Ўзбекистонимиз тараққиёти йўлида бор куч-ғайратимни сафарбар этаман!”



Китоб – камолот калити



Конституциявий  
ислоҳотда таълим



Пойтахтимиздаги "Trilliant Tashkent" меҳмонхонасида "Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими трансформацияси" мавзусидаги халқаро форум бўлиб ўтди.

Тадбирда АҚШ, Хитой, Россия Федерацияси, Туркия, Германия, Франция, Венгрия, Япония, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари каби 20 га яқин хорижий давлатларнинг юртимиздаги дипломатик корпус вакиллари, халқаро ташкилотлар масъуллари, мамлакатимизда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда ташкил этилган хусусий тиббиёт клиникалари раҳбарлари, Ўзбекистон бозорига инвестиция киритиш ва давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаларида иштирок этиш истагида бўлган халқаро донорлар ҳамда маҳаллий йирик тадбиркорлар иштирок этди.

Халқаро форумда Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов сўзга чиқиб, бугунги учрашувдан кўзланган асосий мақсад, нафақат тиббиёт тизимига сармояларни жалб қилиш, балки соғлиқни сақлаш соҳасига инновацияларни жорий этиш, тиббий хизмат сифатини оширишга ёрдам берадиган шерикчиликнинг янги шаклларини ривожлантиришдан иборат эканини таъкидлади.




Жорий йилнинг 12-апрель куни пойтахтимизнинг «Анҳор» боғида 19-халқаро «МебелЕхпо Узбекистан» кўргазмаси иш бошлади.

Юртимизнинг мебель ва ёғочозлик соҳасидаги бош тадбири Итеса Эҳхитбион компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси расмий кўмағида ташкиллаштирилди.

Ушбу кенг кўламли тадбирда бу йил Австрия, Беларус, Германия, Дания, Эрон, Италия, Қозоғистон, Канада, Қирғизистон, Россия каби дунёнинг 19 мамлакатидан 122 та компания ва брендлар иштирок этаётган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан қарийб 75 фоизга кўпдир (12 та мамлакат, 70 та компания).

«МебелЕхпо Узбекистан» мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ва янги, истиқболли бозорга кириш иштиёқида бўлган хорижий компаниялар учун кенг имкониятлар эшигини очади. Кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлари бозор шароитини ўрганиш, ишлаб чиқариш ва дизайн борасида ғояларга эга бўлиш, янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, мавжудларини эса мустақамлаш, соҳа мутахассисларидан маслаҳат олиш учун қулай майдон сифатида хизмат қилади. Кўргазма 14-апрелгача давом этади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати**



#### ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА МЕҲМОНХОНА ОЧИЛАДИ

Тошкент аэропортида шарқона кўринишдаги меҳмонхона очилади. Унга ташриф буюрувчилар учун маълумот таблоси, ҳаммом ва душ хонаси тақдим этилади, қабулхона кечаю кундуз ишлайди ва ҳар бир йўловчига самолётга чиқиш учун индивидуал таклифнома тақдим этилади.

"Uzbekistan Airports" ахборот хизматининг маълум қилишича, бу шунчаки "капсулалар" эмас, балки тўлиқ бир кишилик тўшак ва минимал аксессуарлар тўплами — чироқ, кийим илгичи, қўл юки учун жавон, стол бўлган кичик қулай кабиналар бўлади. Бундай кабиналарнинг моҳияти шундан иборатки, йўловчи кутиш вақтида аэропортдан ва транзит зонадан чиқмасдан бир неча соат давомида унда қолиб дам олиши мумкин.

Шунингдек, меҳмонхона 27 та тураржойдан иборат бўлиб, бу ерга ташриф буюрганлар учун қулай бўлган имкониятлар яратилади. Лойиҳа устида ишлаш учун дизайнер Бобур Исмоилов таклиф этилган.

## КОНСТИТУЦИЯДА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРИ

Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини чуқур таҳлили, жаҳон бозори конъюктурасининг ўзгарувчан табиати, ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан ривожланиши глобаллашув жараёнини янада тезлаштирмақда.

Бу ҳолат давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва бошқа соҳаларда тубдан ислохотларни амалга оширишни ижтимоий ва объектив заруриятга айлантирди.

Ўз навбатида, давлатимизнинг фундаментал қонуни ҳисобланган Конституцияни модерн ҳаётга мослаштириш ислохотлар драйвери десак, муболаға бўлмайди. Чунки, Асосий қомус ҳар қандай давлатнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий тизимларини ҳаракатга келтирувчи, етакловчи ва ҳимоя қилувчи кучдир.

Шу боис, Конституцияга ўзгартириш киритиш жамият ва давлат ҳаётида, инсонларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонунга нисбатан муҳимроқ ҳисобланади. Зеро, барча қонунчилик ҳужжатлари асосини конституциявий нормалар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги қонуни лойиҳасига умумхалқ овоз бериш учун 2023 йил 30 апрель куни ўтказиладиган референдумга тайинланиши жамият ва давлат ҳаётининг энг аҳамиятли ва эътиборга молик масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мурожаат қилиш ҳуқуқига доир 35-моддасида назарда тутилган «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт», деган ҳуқуқий нормага киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Хусусан, Қонун лойиҳасида давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига 40-моддада «Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт» деган матнда берилмоқда.

Бунда, биринчидан, шахсларга ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат фаолиятини такомиллаштиришда иштирок этиш мумкинлигини кўрсатувчи ҳуқуқ қоидалари назарда тутилган; иккинчидан, мурожаатларни кўриб чиқадиган давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, улар мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни содир этиш шартлигини кўрсатувчи ёки маълум бир мажбурият юкловчи нормалар сифатида акс эттирилган.

Қонун лойиҳасидаги 40-моддада аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шартлиги назарда тутилган. Бу қоида ваколатли органлар ва улар мансабдорларига мажбурият юклайди. Одатда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги масалалар мансабдор шахслар ваколатларига тааллуқли бўлиб, бу ҳолат янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида кўрсатиб ўтилган. Шу боис, Конституция лойиҳасидаги мурожаат қилиш ҳуқуқига доир модда «мансабдор шахсларга» деган ибора билан тўлдирилиши айтилган бўлади.

Бундан ташқари, амалдаги Конституциянинг 35-моддасида назарда тутилган «ваколатли давлат органларига» деган матндаги «ваколатли» деган ибора Қонун лойиҳасидаги матндан чиқарилмоқда. Бу ҳолатда ваколатсиз давлат органлари мавжуд бўлмаслиги эътиборга олинган.

Умуман айтганда, Конституция лойиҳасидаги мурожаат қилиш ҳуқуқига доир 40-моддасига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар, биринчидан, давлат органларига мурожаат қилиш институти доирасини янада кенгайтириш, иккинчидан, янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳуқуқ нормалари билан ўзаро тушунмовчиликларни бартараф этиш учун хизмат қилади.

**Асадбек ТОШМУҲАММАТОВ,  
Мустақил изланувчи. Содиқ ЮЛДАШОВ,  
Жамоат хавфсизлиги университети доценти.**

#### «ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ»

Тошкент фотосуратлар уйида ушбу мавзуда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбирларининг 50 дан ортиқ фотосуратлардан ташкил топган кўргазмаси очилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатлари, таълим сифатини таъминлаш устувор этиб белгиланган. Шу муносабат билан амалга оширилаётган тадбирларни бор имкониятлардан унумли фойдаланиб ўтказишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Дарвоқе, кўргазмага ташриф буюрганлар фотосуратларнинг инсон қадрини, сифатли таълим ва бир сўз билан айтганда, давр билан ҳамоҳангликни кўришлари мумкин.



Шунингдек, тадбирнинг очилишида иштирок этган соҳа мутахассислари кўргазмага жойланган ижодий ишлар муаллифларининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТДА ТАЪЛИМ



Конституция – ҳар бир давлатнинг Бош қомуси, қонунларининг асосидир. Конституциясиз давлатни ва давлатсиз Конституцияни тасаввур қилиш қийин. Шунга кўра, бу қонун давлат аҳолиси ва уларнинг кадр-қимматини белгилаб, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи ҳужжатдир.

Барчамизга маълумки, мамлакатимиз Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадида ушбу қонуннинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа учун аҳоли томонидан конституцион комиссияга минглаб таклифлар келиб тушган. Албатта, бу халқнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларига эътиборли эканлигини ва сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки ортаётганини англатади. Шунга кўра, Конституциянинг моддалари 128 тадан 155 тага кўпайиб, Асосий қонуннинг 65 фоиз матни ўзгартирилган.

Шу жумладан, Конституциядаги таълим тўғрисидаги моддаларга ўзгартириш киритилаётгани ва янги моддалар қўшилгани, олий таълимга ҳам алоҳида эътибор қилиниб, янги нормалар киритилаётгани ва таълим тизимида бевосита таъсири бўлган ўқитувчиларнинг ҳуқуқий мақоми Конституция билан мустақамлаб қўйилаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Таълим тўғрисидаги моддага ўзгартиришлар киритилиб, яна иккита модда қўшилган. Янги таклиф этилган қонун лойиҳасида эса Конституцияга киритилган янги қонунлар туфайли бу модда 41-эмас, балки 50-модда бўлиб ўзгарган ҳамда 51-52-моддалар янги киритилган.

Аввало, таълим тўғрисидаги янги киритилган қўшимча ва нормалар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида танишсак. Амалдаги 41-модда таҳрири: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”.

Ушбу модда янги таҳрир бўйича қуйидагидек таклиф этилмоқда:

Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат

узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир. Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир. Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.

51-модда (янги таклиф этилган):

Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли.

Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини-ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

52-модда (янги таклиф этилган):

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлигини, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Конституция лойиҳаси учун таълим тизимини ислоҳ қилиш ва янада такомиллаштириш мақсадида шундай модда ва ўзгартиришлар киритилган.

Ҳеч биримизга сир эмаски, бугунги кунга келиб, таълимга бўлган эътибор анча юқорилади. Нафақат олий таълим, балки ўрта ва бошланғич таълим тизимларини ислоҳ қилиш учун ҳам анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон таълим тизимининг Ўзбекистонда татбиқ қилиниши ўқувчиларни, қолаверса, ўқитувчиларни

ҳам ўз устида ишлашга ундайди. Айтиб ўтиш керак-ки, янгиланаётган қонун лойиҳасида ўқитувчиларнинг ҳуқуқий мақоми Конституция даражасида белгилаб қўйилиши ўқитувчилар учун, умуман олганда, таълим соҳаси вакиллари учун катта ислоҳот бўлди, деб айтиш мумкин. 52-моддада келтирилган ўқитувчилар ҳақ-ҳуқуқи юртимизда ўқитувчилик касбининг улуғлигини, ўқитувчи меҳнатининг қадрлигини, ўқитувчи шаънининг ҳимоя қилиниши орқали уларда шу касбни танлаганидан фахр ва ғурур ҳиссини вужудга келтиради.

Бундан ташқари, жисмоний имконияти чекланган ёшлар учун инклюзив таълимни ривожлантириш ва етарли шарт-шароитларни яратиш келажақда ўз мевасини бериши шубҳасиздир. Чунки ногиронлиги бор ёшларга берилган бу каби имкониятлар ортидан улар ҳам ўз қобилиятларини юзага чиқариши табиий. Айниқса, уларнинг бу борадаги ҳақ-ҳуқуқлари Конституцияда белгилаб қўйилса.

Албатта, бу каби ислоҳотлар ортидан таълим тизимида яна қатор ўзгаришлар бўлишига ишончимиз комил, чунки ўқитувчи мақоми Конституция даражасида белгиланар экан, ўқувчи ва талаба-ёшлар учун қатор имконият ва лойиҳалар амалга оширилар экан, қатор шахслар давлат томонидан олий таълим билан бепул таъминланар экан, бу соҳа вакиллари ўз устида анчагина ишлаши керак, деган фикрдаман. Чунки таълим тўхтаб турмайди, кундан-кунга ривожланиш ва ўсишлар орқали такомиллашиб боради. Фақатгина билимли ва салоҳиятли инсонларгина бу йўлда илдам қадам ташлаши мумкин, деб ўйлайман. Навоий таъбири билан айтганда: “Эмас осон, бу майдон ичра турмоқ...”

Мен бу каби амалга оширилаётган ислоҳот ва келажагимга бефарқ эмасман, сиз-чи?

**Талаба ва ўқувчиларнинг маънавий юксалишига кўмаклашиш маркази директори Равшанбек ХУДАЙБЕРГАНОВ**



# “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА БОР КУЧ-ҒАЙРАТИМНИ САФАРБАР ЭТАМАН!”

Тўлқин Зокирович Тешабоев. 1967 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1992 й. Тошкент электротехника алоқа институтини (кечки), 2007 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби (сиртки), 2019 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги бизнес ва бошқарув олий мактабини тамомлаган. “Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси, 2019 йилдан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати. Оилали, уч нафар фарзанднинг отаси.



ТЎЛҚИН ТЕШАБОЕВ:

## – Депутат бўлишингизга нима сабаб бўлган?

– Менинг назаримда ҳар бир инсонда вақт ўтиши билан бир савол туғилиши табиий, у қалбингизни жунбушга келтиради. “Ҳаётим ва фаолиятим давомида юртимга, она Ватанимга, халқимга қандай нафим теги ва қанчалик хизмат қила олдим, маҳалладошларим корига камарбаста бўла олдимми?” – деган савол пайдо бўлади. Мени ҳам мана шу каби саволлар қийнаб келарди..ю

Фаолиятим асосан таълим соҳаси билан боғлиқ бўлиб, ушбу тизимда турли раҳбарлик лавозимларида ишлашимга қарамай, юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга ҳам бефарқ қараб туролмас эдим. Чунки, университет катта даргоҳ, талабалар ҳар хил оилалардан чиқиб келади. Табиийки, сиз турли хил шароитда туғилиб вояга етган, турлича тарбия топган ёшлар билан ишлайсиз, мана шу жойда соғлом муҳитдаги оилаларнинг қанчалик муҳим эканлигини ҳис қиласан киши. Ўзингизга маълум, оила жамиятнинг бир ажралмас бўлаги, ячейкаси. Бунда маҳалланинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу каби масалалар халқнинг номидан уларнинг қалбидаги муаммоларни олиб чиқишимга туртки бўлди ва мен маҳаллий кенгашга бўлиб ўтган сайловларда 55-Мустақиллик округидан ўз номзодимни қўйдим. Менга ишонч билдириб, номзодимни қўллаб-қувватлашди ва шундан сўнг депутатлик фаолиятимни бошлаганман.

## – Депутат сифатида сизни ўйлантирадиган қандай муаммо ва тўсиқлар бор?

– Бу саволга очикроқ жавоб беришим керак, чунки депутат бўлганимдан кейин ўзим ва оилам ҳақида эмас, кўпроқ менга ишонч билдирган сайловчиларим ҳақида ўйлайдиган бўлдим, бу муболаға эмас, айна ҳақиқат. Яшириш керак эмас, авваллари номзодлар депутат бўлиб олгунча халққа кўринар эди, кейин умуман халқнинг дарди, ташвиши билан ишлари бўлмасди. Бу ҳолат халқимиз орасида “Депутат нима ҳам қилиб беради”, – деган фикрларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Шу жиҳатдан мени ўйлантирадиган муаммо – бу депутатларнинг ўзида, яъни улар халқнинг ишончини қанчалик оқлай олиши ва масъулиятни нечоғлик ҳис этишларида, деб биламан. Агар ҳар бир депутат ўз ҳудудидаги ҳар бир маҳалла, ҳар бир оилага кириб борса, уларнинг дардини тинглаб, ташвишларига шерик бўла олса, муаммоларга ечим топса, ўз вазифасини сидқидилдан бажарса, аҳолини қийнаётган кўп муаммолар жойида ўз ечимини топади. Депутат

бугун ташаббускор бўлиш билан бирга, халқнинг чин маънодаги ишончли вакилига айланиб улгурди. Тўсиққа келадиган бўлсак, шукрки, бугун депутатларга ҳеч қандай тўсиқ қолмади, десак тўғри бўлади. Фақат ва фақат Янги Ўзбекистон тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш талаб этилади, холос.

## – Депутатлик сўровига ҳамма раҳбарлар ҳам хайрихоҳми?

– Юртимиз янгилашмоқда, халқимиз янги марраларни кутмоқда ва бу йўлда барча раҳбарлар “бир ёқадан бош чиқариб” фидокорона меҳнат қилишлари талаб этилади. Бугунги кунда ёш, фидойи, креатив фикрлайдиган билимдон раҳбарларнинг салмоғи ошиб бормоқда, лекин “гуруч курмакисиз бўлмайди” деганларидек, айрим ҳолларда депутатлик сўровига етарлича хайрихоҳ бўлмаган ёки асосиз равишда орта суришлар, муаммонинг ечимини топишдан кўра, ўзини олиб қочишга уринишлар кузатилади. Лекин, мен депутатлик фаолиятим давомида бундай ҳолатларга дуч келмадим. Назаримда қуйи, юқори бўғиндаги деярли барча раҳбарларимизнинг депутатларга бўлган олдинги муносабатлари бугун тубдан ўзгарган ва халқимизни қийнаётган ҳар қандай муаммоларни биргаликда ечишга тайёр.

## – Маълумки, шу кунларда юртимизда Конституциявий ислохотларга бағишланган тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Ва табиийки, сиз ҳам ушбу тадбирларда депутат сифатида иштирок этяпсиз. Ушбу муҳим сиёсий жараёнга ёшларнинг муносабати қандай?

– Одатда қандайдир қонун лойиҳасини давлат органлари ишлаб чиқиб, кейин муҳокамага қўйилади. Бу сафар биринчи марта аввал фуқаролар таклифи олиниб, кейин қонун лойиҳаси шакллантирилди, муҳокамадан кейинги таклифлар асосида яна қайта тахрир қилинди. Шу сабабли ҳам Янгилаётган Конституцияда айнан фуқароларни қийнаётган кўп масалалар ўз аксини топди. Фуқаролар томонидан ҳуқуқий асосли, аниқ таклиф қилиб берилмаган ғоялар ҳам мутахассислар томонидан такомиллаштирилиб қонун лойиҳасига киритилди.

Конституция қабул қилишнинг энг демократик усулларида бири — референдум асосида қабул қилишдир. Яъни бу жараёнда халқнинг бевосита иштирокини кузатиш мумкин. Айнан халқнинг ўзи овоз бериб қабул қилаётгани учун ҳам халқ Конституцияси дейиларти. Менинг назаримда, айна пайтида амалга оширилаётган янги тахрирдаги Конституцияда

аввал халқимизнинг фикри, таклифлари икки босқичда ўрганилди, шундан сўнг Конституция лойиҳаси тайёрланди. Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиманки, Янгилаётган Конституция тараққий этган давлат – Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни, барча ёшларни жипслаштирди. Албатта, ёшларимиз янги тахрирдаги Халқчил Конституция лойиҳасини жуда кўтаринки руҳда, келажакка ишонч кўзи билан қабул қилишмоқда, ундаги ёшлар манфаатини ҳимоя қиладиган кўп нормаларнинг киритилаётгани барча ёшларни бирдек қувонтирмоқда.

## – Маълумки, ҳар йили Тошкент шаҳар ҳоқими томонидан шаҳар кенгаши депутатларига 2 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилади. Бу амалиётдан сиз қай даражада унумли фойдалана оляпсиз?

– Албатта, ушбу тажриба ўзининг ижобий самарасини бермоқда, шу билан биргаликда халқимиз орасида депутатларга бўлган ишонч янада ортмоқда. Мен ҳам бу борада ўзим сайланган ҳудуддаги муаммоларни бартараф этиш ва ижтимоий инфраструктураларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдаман. Биргина шу йилнинг ўзида 1,3 млн. атрофидаги маблағ мактабгача таълим ташкилотини замонавий типда қурилишини якунлаш ва ишга туширилишига йўналтирилмоқда, 700 млн. сўм миқдоридаги маблағ эса аҳоли, айниқса, хотин-қизларимизнинг соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни амалга оширишга йўналтирилди.

## – Сўнги сўз ўрнида айтмоқчи бўлганларингиз...

– Қувонч билан қайд этишим лозимки, охириги йилларда мамлакатимиз юртбошимиз томонидан юритилаётган оқилona сиёсат самараси ўлароқ жаҳон майдонида ўз ўрни ва мавқеига мустаҳкам эга бўлиб бормоқда. Бизни дунё ҳамжамияти тан олмоқда. Шу билан бирга, халқимизнинг турмуш тарзи ва фаровонлиги ҳам кун сайин ошиб бораётгани барчамизни бирдек қувонтиради. Айниқса, зиёли қатлам бўлган профессор-ўқитувчиларимиз ва олимларимизнинг иш ҳақлари сезиларли даражада оширилди. Бу эса, ўз навбатида, таълим сифатининг ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Нафақат депутат ёки раҳбар сифатида, балки шу юртнинг бир фарзанди сифатида бундан кейин ҳам она Ватанимиз – Янги Ўзбекистонимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан, бор куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Шоҳида ЗУФАРОВА  
суҳбатлашди



# Тикансиз ул, садафсиз дур, машаққатсиз хунар йўқдур

Хунарсандлар Шарқда ҳамisha улуғланган. Уларнинг меҳнати, машаққати юксак баҳоланган. Айниқса кулолларнинг ижоди, уларнинг замин билан «суҳбати» бошқа олам... Бир сиқим тупроқ... Унинг сир-синуоти, сеҳри инсоннинг қалб қўри ва меҳнати билан очилади. Сиз чой ичаётган пиёлангиз ёки гулдонингиз... Ҳа, бир буюмда, дейишга шошилманг! У ҳам аслида санъат асари, бир одамнинг, уста-кулолнинг меҳнати...

## – Аввало, Риштон кулолчилик маркази тарихига тўхташ.

– Риштон кулолчилик санъати қадимги даврларда пайдо бўлган. Кўплаб афсоналар билан боғлиқ бўлиб, унинг келиб чиқиш тарихи мутахассислар томонидан ҳали кашф этилмаган. Хунарсандлар орасида ханузгача ҳукмронлик қилаётган ривоятларга кўра, қадимий хунарсандлар шаҳри замонавий Риштоннинг қадимги ҳудудларидан бири — Соҳиби Ҳидоя мазоридан унча узоқ бўлмаган «Чиннигарон» маҳалласида жойлашган. Айрим ривоятлар унинг пайдо бўлишини X-XII аср бошлари, яна бошқа манбаларда эса XIV-XV аср бошлари билан боғланади, аммо иккаласида ҳам Самарқанд ва Бухородан келган хунарсандлар асос солганлиги келтирилади. Вақт ўтиши билан Риштон Фарғона водийсидаги кулолчилик марказига айланган. Бу хомашёнинг қўлда, аниқроғи, оёқларда ишлов берилиши билан боғлиқдир.

Риштон – Буюк Ипак йўлида ташкил топган, Фарғона водийсининг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, қадим замонлардан Марказий Осиёдаги энг йирик ажойиб сирланган сопол буюмлар маркази ҳисобланади. Шаҳар номи жойлашув жойига кўра, кулол тупроғи қизил гил – қизил рангга эга бўлиб, қадимий сўғд «Rash» – «қизил ер» сўзидан пайдо бўлган. Ўрта асрларда бир томондан Хитой ва Ҳиндистон, бошқа томондан Эрон ва Яқин Шарқ карвон йўллари чорраҳасида жойлашган. Риштон тез суръатларда ривожланиб, Буюк Ипак йўлидаги асосий тўхташ жойи ҳамда савдо-сотикнинг асосий марказига айланган. Россия империяси даврида кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўллаб-қувватланган. XX аср бошларида Риштон кулолчилик маркази 300 киши ишлайдиган 80 тадан ортиқ кулолчилик устахоналарини ўз ичига олган. Риштон кулолларининг маҳсулотлари Марказий Осиёнинг барча шаҳарларида мавжуд. Шу билан бир қаторда, хунарсандлар Қўқон, Марғилон, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳар бозорларида ўзларининг шахсий савдо дўконларини очишган.

## – Риштон кулолчилик маҳсулотларининг ўзига хос жиҳатлари нимада?

– Риштон керамика буюмларининг ўзига хос жиҳатлари – ҳайратланарли даражада эркин ва нафис тасвирий услубида, яъни асосан ўсимликлар тасвири акс эттирилишидир. Риштонликлар ўзларининг расмлари мавзуларини ва «сюжетларини» атрофдаги табиат дунёсидан, чизилган расмларни хотирадан нусха кўчирган қадимги усталарнинг асарларидан ўзларининг фантазиялари билан тўлдирган. Ёввойи гуллар ва ўтларнинг, серҳашам буталар ва анор меваларининг услубланган, яъни олдиндан чизиб олинган нақшлари, «ҳаёт дарахти» табиатнинг уйғониши билан боғлиқ бўлган халқ ғоялари ва маросимларидан безакларга айланган.

Риштонда усталарнинг иштиёқи туфайли етакчи кулолларнинг ижодкорлигини тарғиб қилиш сезиларли даражада кучайган ҳамда машҳур марказнинг бир қатор музейлари ва халқ усталарининг ижодий студиялари яратилган.

## – Ушбу сопол буюмларининг қуриш ва кейинги босқичлари ҳақида гапириб берсангиз.

Ясалган идишлар 1-3 соат ичида қуриydi, шундан сўнг идишларнинг юзасини текислаш учун сув билан ювилган нам мато билан артиб олинади. Идиш-товоқлар Риштоннинг иссиқ кўёш нурлари остига қўйилади ва сайқаллаш учун тайёрланади. Сайқаллаш учун идишга Ангрен лойи ва кварц қора аралашмаси билан қоплаш орқали оқ ранг берилади. Сайқалланган оқ рангли маҳсулотлар кўёшда тахминан 20 дақиқа давомида қуритилади. Керамика икки марта оловда қиздирилади. Биринчи оловда қиздириш ишлов берилмаган ва сирланмаган ҳолда бўлади. Шундан сўнг мис, кобалт, темир ва марганец оксидлари каби табиий бўёқлар билан қўлда чизилган расм қўлланилади. Шундан сўнг маҳсулот яна бир марта сир билан қопланади ва иккинчи ёқиш 1000 даража ҳароратда амалга оширилади.

Уста-кулол Аъзамжон Аҳмадқулов 1955 йилда Фарғона вилоятининг Риштон туманида таваллуд топган. 7-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ, кулолчиликка қизиқиб қолган қахрамонимиз сабр билан сермашаққат хунарсандларнинг сирларини ўрганади. У 68 йилдан буён тупроқ билан тиллашади, кўзни қувватиб, дилларга завқ бағишловчи буюмларни ясайди. Аъзамжон ака Риштон кулолчилик корхонасининг машҳур расмларидан бири.

Ҳаракатдан тўхтамаган, мақсадлари ила одимлаган инсон албатта юксак чўққиларга чиқа олади. Арзимас хатолар ва ўзгаларнинг фикри билан бошлаган ишдан воз кечган одам ўз мақсадига эриша олмайди. Шундай экан, хунар ўрганишда кучли сабр-тоқат ва иштиёқ керак бўлади. Буни Риштон кулолчилик авлодининг учинчи сулоласи вакили Мурод Бобоев мисолида кўриш мумкин.

– Риштонда азал-азалдан кулолчилик санъати авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб келмоқда. Мен ҳам ҳозирда 3-авлод ҳисобланаман. Ота-онамнинг кулол бўлганликлари сабаб бу соҳага кириб келганман. Биринчи мартаба ёз фасли эди, 3-синфни битирган пайтларим, кўшнимизнинг устахонаси бўлар эди. Қизиқишим мени ўша устахонага етаклади. Устахонага киришим билан кимдир сопол идишларга расм чизаётган, кимдир лой қораётган, яна кимдир қарашаётган бўларди ва менда усталарга шогирд тушиб, шу хунарни мукамал ўрганиш истаги пайдо бўлди. Ота-онамга бу ҳақда айтдим ва улар: «Бекор юрганнингдан кўра ўрган», - дея рози бўлишди. Аввалига, нақш чизишга қизиқдим, аста-секин идишларни ясашга ҳам қизиқишим орта бошлади. Шу залда 4,5 йилча ўша устахонада юриб ўргандим. Бу вақтда француз тилини ҳам мукамал ўрганиб, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Француз филологияси факультетига ўқишга кирдим. Мана 13 йилдирки, шу касб билан мунтазам шуғулланиб келмоқдаман. Ҳозирда Тошкент шаҳрининг Чорсу бозорида жойлашган Риштон кулолчилик устахонасида ўз иш фаолиятимни олиб бораман. Фаолиятим давомида бир қанча сайёҳлар билан суҳбатда бўлиб, фикр алмашаман. Бу менга ўзгача завқ беради ва касбимга бўлган меҳрни янада оширади.

Дилнур МАМАСАФОЕВА тайёрлади.



# wayu



## O'ZBEKISTON YOSHLARI UMUMJAHON ASSOTSIATSIYASI

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг давлат дастурини таъминлаш натижасида ташкил этилган муҳим ташаббуслардан бири Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ташкил этилган Ўзбекистон Ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг ташкил этилишидир. Ассоциациянинг вазифаси хорижий мамлакатларда ўқиётган ва меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашишдан иборатдир.

Ассоциация фаолиятини тизимли йўлга қўйишда масъул қилиб тайинланган Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамкорлигида мана 4 йилдирки, ёшлар билан очиқ мулоқотлар, уларнинг муаммоларини ўрганиш, бартараф этиш бўйича ижобий натижаларга эришиб келмоқда. АҚШ, Европа мамлакатлари, Канада, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Туркия, Австралия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон каби давлатларга хизмат сафарлари ташкил этилиб келинмоқда. Хорижда таълим олаётган ва меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туркум қўлланмалар, видеороликлар тайёрлаш ва тарқатиш бўйича керакли йўналишда ишлар йўлга қўйилган.

Ҳозирги вақтда турли лойиҳалари билан WAYU ёшлари ижтимоий тармоқларда фаол. Масалан, ассоциациянинг вакилликлари томонидан хориж давлатларида ташкил этилган "WAYU Press-Club"ларида ўз соҳасининг билимдонлари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Яқинда Ассоциация фаоллари томонидан ташкил этилган "Мусофир" хайрия онлайн платформаси хорижда таълим олиш ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш давомида турли мураккаб вазиятларга тушиб қолган ўзбекистонлик талаба ҳамда меҳнат мигрантларига молиявий беғараз ёрдам кўрсатишни мақсад қилган. Шунингдек, Ассоциацияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-149-сонли "Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида фаолиятини олиб борадиган "Хавфсиз миграция" лойиҳаси ҳам мавжуд. Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад – хорижга чиқишни режалаштирган ёшларни миграция қонун-қоидалари билан таништириш, шунингдек, чегарадан ўтиш, чет мамлакат ҳудудида қонуний вақтинчалик яшаш, меҳнат қилиш ҳамда таълим олиш жараёни борасида уларда зарурий кўникмаларни шакллантиришдан иборатдир. Тўлов-контракт асосида ўқиётган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўзбекистонлик чет элда таҳсил олаётган талабалар ўртасида Ассоциация томонидан очиқ саралаш ўтказилиб, "Иқтидорли ватандошлар" стипендияси номзодлари аниқланади. WAYUнинг Instagram, телеграм ва расмий саҳифалари мавжуд бўлиб, улар орқали чет элда ўқиш истагида бўлган ҳар бир инсон бу борада ўзини қизиқтирган барча саволларга жавоб олиши мумкин.

Ассоциациянинг ўтган 5 йиллик фаолияти давомида 1300 нафарга яқин ёшлар иштирокида 6 та хорижий давлатда "Ёшлар форуми" ўтказилди. Бундан ташқари, Call-марказга хориждан Ўзбекистонга ўқишни кўчириш, диплом нострификацияси, грантлар олиш, ҳуқуқий консултация, молиявий ёрдам, иш билан таъминлаш, меҳнат миграцияси каби саволлар билан 12 000 дан ортиқ мурожаат келиб тушган. Бугунги кунга келиб, лойиҳаларни самарали амалга оширишда дунёнинг 12 та мамлакатидан 40 дан ортиқ координаторларнинг фаолият олиб бориши ёшларга қулайлик яратмоқда.

Биз WAYUнинг ташкил этилиши хорижда таҳсил олиш истагида бўлган ёшлар учун қандай қулайлик ва имкониятлар яратиши борасидаги саволлар билан Ассоциациянинг хорижий вакилларига юзландик.

### Тимур ЮСУПОВ, Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Санкт-Петербургдаги вакили:

- Энг аввало, хорижда таҳсил олаётган ҳар бир талабани университетни тамомлаганидан сўнг, ўз Ватанида иш билан таъминланиши ўйлантиради. Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломларни тан олиш тўғрисида фармон имзоланган бўлса-да, иш берувчилар ҳали ҳам дипломни Нострификациядан ўтказишни талаб қилишади. Шу сабабли ҳам талабалар ўз Ватанларида ишсиз қолишдан ҳадиксираб, фуқаролигини ўзгартириб, бошқа мамлакатда иш бошлашга мажбур бўлмоқда.

Иккинчи масала эса – бу бармоқ изини олишдир. Маълумки, яқинда чет эл фуқаролари учун бармоқ изи тизими жорий қилинган, аммо бунинг учун умуман шароит йўқ. Фуқаролар бир кунда ҳам навбатда туриб, ҳам ҳужжатларни топширишлари ҳақиқатга яқин эмас. Бундан ташқари, санитария қоидаларига риоя қилинмаслик, ходимларнинг кўполлиги инсоннинг дилини хира қилади.

Талабалар ўртасида Россия Федерацияси ҳудудида қонунларни билмаслик муаммоси мавжуд. Фирибгарликка учраган фуқароларга бепул юридик ёрдам ҳам мунтазам равишда бериб борилади. Патент (хорижий фуқаролар учун ишлаш учун рухсатнома) – яна бир катта муаммо ҳисобланади. Чексиз навбат, антисанитария, кўпол ходимлар. Ўйлайманки, хорижий фуқаролар учун бундай молия оқими пайдо бўлиши билан патент олиш учун ҳужжатларни топшириш шартларини яхшилаш мумкин.

Авиачипталарнинг жуда қimmatлиги талабалар ва умуман барча юртдошларимиз ўртасида тез-тез бериладиган саволлардан биридир. Ёшлар билан деярли ҳар бир учрашувда шу саволга дуч келамиз. Айниқса, байрам олдидан юртдошларимиз таътилни оила даврасида ўтказишни истаса-да, авиачипталар нархининг ошиб кетиши сабабли уйларига бора олмайдилар. Қimmatлашган чиптани ҳамма талаба ҳам кўтара олмайди. Кўпинча, йиғилишларда байрамлар арафасида талабалар учун ҳар қандай чегирмалар ҳақида савол туғилади. Таълим учун кредит, Ўзбекистон ёки Россияда қайси банкдан мунтазам фойдаланиш мумкинлиги, олий ўқув юртларида контракт пулини тўлашни осонлаштириш борасидаги саволлар ҳам тез-тез берилади.

Санкт-Петербургда «WAYU» нинг очилиши ёшларни бирлаштирди. Бир неча йиллардан буён ёшлар бизга турли савол ва муаммолар билан мурожаат қилмоқдалар, биз уларга ўз вақтида жавоб бериб, ечим топишга ҳаракат қиламиз.

Шу вақтга қадар ёшларда маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ватанпарварлик онгини шакллантириш, ёш фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича, ёшларни жамият ҳаётида фаол иштирок этишга жалб қилиш, ёшлар ўртасида оилавий қадриятларни тарғиб қилиш, ёшларнинг бўш вақтини фаол ўтказишга кўмаклашиш, ёшларнинг интеллектуал ва ижодий ривожланиши учун шароит яратиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш каби кўплаб тадбирлар ташкил этилди ва ўтказилди.

### Бобурмирзо АБДУСАМАНОВ, Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Қирғизистондаги вакили:

— "Хорижда кўпчилик ёшларда бетоб бўлиш, яшаш жойига рўйхатга олиш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни йўқотиб қўйиш каби ҳолатлар кузатилади. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатини йўқотиб қўйган тақдирда, сертификат яъни паспорт ўрнини босувчи ҳужжат расмийлаштириш учун моддий кўмакка ҳомийлар ёки кўпинча элчихонани жалб қиламиз.

WAYUнинг ташкил этилиши айнан ўзбек ёшлари учун катта импульс берди. Ёшларнинг бир жойда тўпланиб, катта-катта тадбирлар ўтказилиши хориждаги ёшларга ҳам эътибор борлигини билдирмоқда. Қирғизистон мисолида оладиган бўлсак, олдин муаммо юзага келганда элчихона билан боғланиш керак бўларди ва бу мураккаб жараён ҳисобланарди. Ҳозирги кунда эса керак бўлса, тўғридан-тўғри элчига ҳам боғланиш имконияти мавжуд.



Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда ёшлар ва уларнинг таълим олиш масалалари давлат сиёсати даражасида. Қай юртда бўлмасин, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Ватан томонидан ҳимоя қилинади. Зеро, чет мамлактларнинг илғор тажрибалари асосида ўқиб, ўз юртида иш бошлайдиган ва келажак авлодга замонавий илғор билимларни бера оладиган интеллектуал ёшлар сафини кенгайтириш бугунги кун талабидир.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади



# КИТОБ – КАМОЛОТ КАЛИТИ

Китоб — ахборотларни, гоя, образ ва билимларни сақлаш ҳамда тарқатиш, ижтимоий-сиёсий, илмий, эстетик қарашларни шакллантириш воситаси, билимлар тарғиботи ва тарбия қуроли, бадиий, илмий асар, ижтимоий адабиётдир. Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ёзганидек, китоб — беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи.

Мамлакатимизда ҳам китобхонликни ошириш, халқимизни сифатли ва сермазмун китоблар билан таъминлаш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташаббуси билан IRCICA халқаро ташкилоти, TURKSOY халқаро ташкилоти, Туркиянинг TURKTAU

жамғармаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 6-7 апрель кунлари пойтахтимизда жойлашган Ҳазрати имом мажмуаси майдонида “Китоб – камолот калити” II халқаро илмий-маърифий китоблар кўргазмаси ва савдоси бўлиб ўтди. Очiq осмон остида ўтказилган тадбирда 4 та хорижий ташкилот, 3 та турдош илмий-тадқиқот муассасалари, 30дан ортиқ хорижий ва маҳаллий етакчи нашриётлар, шунингдек, таълим муассасалари, таниқли ёзувчи, таржимон, соҳа мутахассислари иштирок этишди.

2022 йил 8 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қурилиш майдонига ташриф буюрган эди. Айнан шу кунда юртбошимиз томонидан “Ўзбекистон халқаро китоб кўргазмаси ярмаркаси” йиллик тадбирини ўтказиш бўйича таклиф берилган эди. Унга кўра, мана икки йилдирки ушбу кўргазма ўтказилиб келинмоқда.

Расмий очилиш маросимида Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари ҳам иштирок этишди. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси директори Шоазим Миноваров тадбирни очиб берди. Шундан сўнг, Қуръон тиловат қилиниб, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини истаб дуо қилинди. Улуғ Рамазон кунларида ўтказилган кўргазмада муборак ойни мадҳ этувчи жажжи болажонларнинг куй-қўшиқлари янгради. Мусиқа мактаблари ўқувчиларининг беғубор чиқишлари нафақат йиғилганлар балки, ушбу қадамжого ташриф буюрган сайёҳларни ҳам хушнуд қилди.

Буюк алломаларимизнинг номлари билан аталувчи: Имом-Мотурудий, Имом-Бухорий, Имом-Термизий халқаро илмий марказлари ҳам ўзларининг энг сўнги диний-маърифий йўналишдаги нашрлари билан фаол иштирок этишди. “Китобсевар миллат” умуммиллий шиори остида кўплаб таниқли ёзувчи ва ижтимоий фаол блогерлар билан давра суҳбатлари ташкил этилди. Ёш ижодкорлар ўртасида бўлиб ўтган мушоира базми кўнгулларга баҳорий илқик олиб кирди.

“Тарих зарварақларида турк олами” мавзусида фотокўргазмасининг ташкил этилиши йиғилганларда тарихий муҳим шахслар ва воқеаларга оид қизиқарли таассурот уйғотди. Ёш хаттотлар томонидан тақдим этилган маҳорат дарсларида қоғоз ва мўйқалам жозибаси ўз аксини топди.

Мамлакатимизда китобсеварликни ошириш, ёшларни илм-маърифатли қилиб тарбиялашда катта ҳиссасини кўшадиган бундай тадбирларнинг ўтказилиши жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг муносиб ўрнини ҳам кўрсатади.

## КИТОБ ЎҚИШНИНГ ЭЪТИБОРТАЛАБ ЖИХАТЛАРИ

Статистика маълумотларига қараганда, китоб ўқувчилар сонига қараганда китоб ўқимайдиганлар сони жуда ҳам кўп. Бунга жуда кўп нарсаларни сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин. Шиддат билан ривожланиб бораётдан ахборот асрида яшаймиз. Ҳар қадамимизда компьютер, телефон ва шу каби кўплаб гаджетларга дуч келамиз. Буларнинг барчаси ҳаётимизга шу даражада шиддат билан кириб келяптики, уларсиз ҳаётимизни тасаввур эта олмаймиз ҳатто. Гаджетлар турмуш тарзимизни енгиллаштирди. Буни тан олишимиз керак. Аммо, уларнинг зарарли оқибатлари ҳам жуда кўп. Энг ачинарлиси “китобхонлик”нинг сезиларли даражада камайиб кетганидир. Турли инсонлар бу муаммага ҳар хил ёндашадилар. Жаҳоннинг энг кўп китоб мутолаа қиладиган кишилари сифатида ном қозонган, билими ва тиришқоқлиги билан нафақат ўзининг, балки инсониятнинг ҳам ҳаётини яхшилаган бизнесмен Билл Гейтснинг ўз қоидалари мавжуд. Зеро, ўқиш билан ўқишнинг фарқи борлигини биз ҳам яхши биламиз. Миллиардер яқинда Қуартз нашри билан суҳбатда ўзининг китоб ўқишда эътибор қиладиган одатларини маълум қилди:

## КИТОБ ЎҚИШНИНГ БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН 10 ТА ФЙДАСИ

1. Ўқиш янги ва ноёб фикрлар туғилишига ёрдам беради. Муталаа бизни фикрлашга чорлайди. Баъзан, орзуларимиз ҳам биз ўқиган, хурсанд қилган китоб билан боғлиқ бўлади. Шунингдек, муталаа бизнинг дунёқарашимизни бойитади. Инсон ўқиш орқали янги фикрлар ва ёрқин ғоялар олади. Инсон ўзи билмаган ҳолда илҳомланиб ўқиши, янги ва ўзгача фикрлар юзага келишига туртки беради.

2. Ўқиш инсон фикрини жамлайди ва диққат марказини оширади. Муталаа жараёнида, ўқиган ҳикоя ва асарга бутун диққат-эътибор қаратилади. Инсон бошқа ишлардан кўра китобга кўпроқ диққат қиладди. Инсон мияси бир вақтнинг ўзиде турли фаолиятлар билан шуғуллана олмайди. Шу сабабли кўп ўқиган одамнинг диққатини бир жойга тўплаш анча осон кечади.

3. Ўқиш тасаввурни оширади. Биз ўзимизга нотаниш бўлган жойлар ҳақида ўқиганимизда, идрокимиз тасаввурларимиз ишга тушиб тасвирларни миямизда ярата бошлайди ва шу орқали хотирамизда тасвирлар сақланиб боради. Бинобарин, идрокимизнинг тасаввур қилиши ва яратувчанлиги китоб ўқиш орқали мустаҳкамланиб боради.

4. Ўқиш чет тилини ўрганишни осонлаштиради. Доимий равишда китоб ўқиш бошқа тилларни ўрганишда янги сўзларни осон тушунишга ва ёдда сақлаб қолишга ёрдам беради. Хорижий тилни ўрганаётган киши ўша тилнинг адабиётларини мунтазам ўқиши орқали ўша тилни қисқа фурсатда ўзлаштириши мумкинлиги олимлар томонидан исботланган.

5. Биргаликда китоб ўқиш ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатларини яхшилайдди. Инсон ўз фарзандини китоб мутолаасига ўргатар экан, аввало ўзи ҳам бу ишда ўрнак бўлиши керак. Психологлар биргаликда китоб ўқиш жараёнида ота-оналар ва болалар ўртасида ўзига хос муносабат ўрнатилади деб ҳисоблашади. Уларнинг айтишларича, бундай муносабат биргаликда телевизор кўрганда асло пайдо бўлмаслигини таъкидлашмоқда.

6. Ўқиш сизни зукколикка етаклайди. Китоблар манбалар ва янги билимларнинг ҳақиқий хазинасидир. Шунингдек, улар ҳозирги пайтдаги турли хилдаги ўқув курслари таълимидан анча арзон ҳисобланади. Қанчалик кўп китоб ўқигани сари инсоннинг зукколиги ва теран фикрлаш қобилияти шунчалик ошиб боради. Шу билан бирга, инсон турли мавзуларда қанчалик кўп китоб ўқиса, ўз билимини ошириши билан бир қаторда, ўзаро мулоқот қилиш санъатини ҳам яхши эгаллайди.

7. Ўқиш мия фаолиятини мустаҳкамлайди. Инсон одатда ўқиган китоби тўғрисида уйлаши учун вақти кўп бўлади. Эмори университетини олимлари китоб ўқиган инсоннинг ақлий салоҳияти бир неча кун давомида юқори ҳолатда бўлишини исботлашди. Тадқиқот муаллифлари китоб ўқиш миядаги асаб толаларини мустаҳкамлашини таъкидлашмоқда.

8. Ўқиш тил маҳоратимизни яхшилайдди. Хорижий тилда бирор адабиётни ўқиш дастлаб катта ҳаракат талаб этади, лекин бу бизнинг сўз бойлигимиз ошишига хизмат қиладди. Бошқа тилни тушунишда баъзан унинг турли қисмларини таржима қилишга эътиёж сезилади ва улар луғатдан қидирилади. Китоб ўқиш нафақат сўз бойлигини, балки умумий саводхонликни ҳам оширади. Қайси тилда ўқишдан қатъи назар, муталаа орқали гапнинг контексти қай тарзда ясалишини ўрганиш мумкин бўлади.

9. Ўқиш стрессни камайтиради. Инсон китоб мутолаа қилар экан, ўша пайтда уни ҳеч қандай топшириқ ёки хавотир ўйлантирмас экан. Китоб мутолаа қилишда биз кўпинча ўзимизга қулай усулда жойлашиб оламиз. Танамиз умуман бирорта махсус ҳаракатни амалга оширмайди ва дам олади. Нафас олиш секинлашади ва тинчланамиз. Биз ўзимизни дунёда содир бўлаётган ҳодисалар тасвири сўзлар орқали китобда акс этганини тасаввур эта бошлаймиз. Буларнинг барчасига сабаб муталаа стрессни камайтиришидир.

10. Ўқиш бизнинг сўз бойлигимизни оширишга хизмат қиладди. Тадқиқотларга қараганда, китоб мутолааси билан шуғулланувчиларнинг сўз бойлиги бошқа инсонларга нисбатан юқори бўлиши исботланган ва шу сабабли улар бошқаларга айтишни хоҳлаган сўз ифодаларини жуда ҳам осонлик билан ифодалаб берадилар. Қисқа қилиб айтганда, қанча кўп ўқисангиз шунча кўп сўз бойлигига эга бўласиз. Шунингдек, китоблар шубҳасиз, билимлар хазинасидир.

1. Китоб ҳошиясига қайдлар қолдириш. «Ўқиш инсондан диққатни жамлашни талаб қиладди. Айниқса, илмий ёки бадиий бўлмаган китобларни ўқиш жараёнида сен янги билим олсан. Уларни ўзингдаги қарашлар билан чоғиштириш учун қайд ёзиш фойдали одат. Қолаверса, яхши китоб ўз сир-асорини бир ўқишда фош қилмайди. Уни такрор ўқиганинг сайин тушуниб борасан.

2. Бошлаган китобингни ташлаб қўйма. Билл Гейтс охирига қадар ўқишга кўзи етмаган китобни қўлига олишдан қочади. Бунинг яхши томони бор — китобни эсга тушганида ўқиш вақтини беҳуда сарфлашдан фарқ қилмайди. Миллиардернинг фикрича, минг йил аввал ёзилган китоб уни ўқимаган одам учун ҳали янги ҳисобланади.

3. Босма ёки рақамли? Қайси қулай бўлса, шуни ўқинг.

«Ҳозирча босма китоблар мутолааси мен учун қулай. Бироқ, секин-аста гаджетларда ҳам китоб ўқишни одат қилмоқчиман», дейди Билл Гейтс. Агар сизга мобил қурилмаларда китоб ўқиш қулай бўлса, бу — сизнинг танловингиз. Муҳими — эски пўстин кийсангиз ҳам, янги китоб ўқишга одатланинг. Жаноб Гейтс ҳар йили ўртача 50 та китоб ўқийди. Яъни, ҳар ҳафтада битта китоб! Билл Гейтс учрашувларда ҳам сайёрамизнинг энг муваффақиятли компаниясини яратишда унга ўқиш ва ўрганишга бўлган қизиқиши ёрдам берганини кўп такрорлайди. Унинг фикрча, яхши китоб — ҳаётдаги муҳим ҳодиса. Китоб ўқишда Билл Гейтснинг ўз қоидалари мавжуд.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА  
тайёрлади





# Эҳтиёт бўлинг, рулда аёллар!



Машина ҳайдаётган аёлнинг чехрасига боққанмисиз?! Ғурур ва ўзига ишонч балқиб туради, рулдаги аёлнинг шижоати ўзига ярашади, десам аксарият эркакларнинг энсаси қотиб, “Бекорларни айтибсиз, мана биздан сўранг, аниқ жавобни айтаемиз”, — дейишади. Жанобларнинг нигоҳида машина бошқараётган аёлнинг чехрасида ҳадик ва хавотир уфуриб турса-да, икки кўзи йўлда эмас, балки назорат учун қўйилган кўзгулардаги ўз аксида бўлармиш...

Яқинда бир воқеа бўлди. Светафорнинг қизил чироғи сабаб бироз муддат тўхташимизга тўғри келди. Хаёл билан яшил чироқ ёнганига эътиборсизлик қилибман. Сониялар ичида ортимдаги машиналар (ҳатто ён томондагилар ҳам) шу қадар шовқин солдики, “асабларни эговлаш учун машина сигнаolini ўйлаб топишган бўлса керак”, деган хаёл ўтди. Хуллас, ўша куни йўлда ҳайдовчилар менга душманга қарагандек кўринди. Энг ёмони, кейинги светафорда бир амаки эринмасдан ўқрайгани етмагандек, ойнадан “уйда болаларни боқиб, қозонни қайнатиб ўтирсангиз бўлмайди”, деса бўладими?! Тилим айланмай қолди! Қани фурсат бўлганда, машинадан тушиб, тўхтаб: “Шукр, оилам тинч, болаларим омон, қозонимда меҳр биқир-биқир қайнаб ётибди”, деган бўлардим. Афсуски, бу гапларим ичимда қолиб кетди...

Шу сабаб, охириги ўн кун йўлда ҳайдовчи хонимларни кузатдим ва нигоҳимнинг маълум нуқталари жанобларни ҳам четлаб ўтмади.

Хуллас, аёллар автоулов бошқараётганда бошқа ҳайдовчиларга хавф тўғдириши нотўғри! Бизлар гарчи кўзгулардаги ўз аксимиздан сармаст бўлсақда,

диққатимизни бир жойга жамлай оламиз. Тўғри, илк машина бошқарган кезларим назорат кўзгулари нима учун қўйилганлиги ҳақида анча ўйлашимга тўғри келган. Аммо бугун уларнинг асл вазифасини яхши биламан! Йўл ҳаракати қодаларини, турфа хил белгиларни эркаклардек “сув қилиб ичиб” юбормаган бўлсақда, камроқ қоида бузамиз. Бу – ҳақиқат! Агар қаердадир нотўғри бурилсак ёки тўхтаб олсак ҳам айбдор — СИЗ! Чунки, баъзан ҳар ҳолда рулда эркак киши, мана шу машинанинг ҳаракатини такорласак, тўғри бўлади, деган қатъий ўй билан жанобларга эргашамиз. Сиз эса тақиқ бор жойда тўхташингиз ва ёки бурилиш мумкин бўлмаган жойларда бемалол ҳаракатланасиз.

Хуллас, хонимларнинг машина бошқариши замоннинг талаби! Қарангки, биз қўлларимиз рулга тегиб, оёқларимиз педалларни босганидан кўра, турмуш ўртоғимизнинг баъзи юмушларига кўмак бераётганимиздан хурсандимиз. Болаларни боғчага олиб бориш, мактабдан хабардор бўлиб туриш, яна бозор-ўчар қилиш, меҳмонга чорлашганида “мени ташлаб ўтмайсизми”, деб киприк қоқишлардан Сизни “озод қилдик”!

Тўғри, бу ишнинг “ҳадисини” олганмиз, деб айта олмаимиз. Баъзида мўлжал ололмаслигимиз сабаб машинанинг у ер бу ерини пачоқ қилиш, йўллардаги ямаларни ҳеч бирини “бегона” қилмаслигимиз сабаб балонлар машмашаси, яна айрим қодаларни унутиб ЙПХ ходимларини хавотирга қўйишимиздан тонмаймиз. Лекин бу – аёллар машина ҳайдамасин, деган қўпол қарорингиз учун етарли асос бўлармикан?!..

Вой бў, бу борада бунча эркакларнинг муносабати

ёмон, дейишга шошилманг. Ахир, таҳлил ҳар икки томон манфаатини ҳам ўз ичига олиши лозим. Илк машина бошқараётган кезларим ҳатто светафорда тўхтасам ҳам қўл тормозини кўтариб, тушириш эсимдан чиқиб қолган кезлари кўп бўлган. Қизил, сариқ чироқлар бир неча марта ёниб ўчарди, аммо мен турган жойимдан жилолмасдим. Нимагадир, машина “тихирлик” қиларди. Шундай пайтларда тажрибали ҳайдовчилар менга ишоралар билан “қўл тормозини туширинг”, дейишса, ўша пайтда тушунмаганим учун мени устимдан кулапти, дея ўзимни эътиборсиз тутганман. Йўлда балонлар тешилиб қолганида йигитлар ёрдамга чақирмасимдан тезда ёнимга келишган... Жаноблар борингизга шукр!

Хуллас, машина ҳайдаётган аёлдан қўрқманг ёки сизга халақит бермаса ҳам дарҳол салбий хулосаларга берилманг. “Уйда ўтирса бўлмайди, эри қаерга қараяпти, ўзига ярашадиган ишни қилсин...” шу ва шу каби асабий хаёлларни анҳорларга оқизиб юборинг, ҳурматли эркаклар! XXI асрда яшаймиз, шунга монанд ўйланг. Ва унутманг, рулдаги аёл ҳам машина бошқарса ҳам назокати, ор – номуси, оиласини унутмайди. Аксинча, ўша машинанинг ичи ҳаёт ташвиши-ю, рўзгор ўйлари билан тўла! Сиз аёлларни назорат ойнасидан ўзига оро бераётганида дарҳол “ҳозир қоидани бузади”, деб ўйлашга шошилманг, имкон топсангиз, унинг кўзларига қаранг... шунда ўша шахло кўзларда ўзбекона ибонинг қулиб турганига гувоҳ бўласиз. У темир-терсақка ўралашиб қўполлашмайди, аксинча, аёлнинг қўллари теккан темир ҳам жилолана бошлайди.

01

Қизил машинани бошқараётган аёл ҳаётни фақат ёрқин рангларда кўради. У ҳиссиётларга берилувчан. Шу билан бирга баъзида хаёллари ҳар томонга тўзғиб ҳам кетади. Агар мабодо, қизил машинали хоним сизни эътиборсиз қолдирса, асабийлашманг. У шунчаки, ўз орзулари оғушида машина бошқараётган бўлади.

02

Қора автоулов соҳибасига кўрс гапирманг, уни бўлардан-бўлмасга бериладиган сигналлар безовта қилмайди. Бу хоним шунчаки ўзига ишонади. Ҳаттоки айрим эркаклардан кўра, машинани яхши бошқаради. Қолаверса, бу хоним сиз билан майдаллашиб ўтирмайди, чунки у ўзини олдинда улкан ғалабалар кутаётганига ишонади.

03

Оқ машинали хонимларнинг бир ажойиб хислати, улар ҳар бир вазиятни ўз орзуларига боғлай олади. Баъзида сиз-у биз хаёлларимизга сиғдирилмайдиган ғайритабиий орзуларни улар жуда оддий қабул қилишади ва удалашади ҳам... Оппоқ машинада оппоқ орзуларнинг соҳибаси кетаяпти, эҳтиёт бўлинг, орзуларига халақит берманг, йўқса...

04

Яшил рангли одатда катта йўлда кам учратамиз. Аммо бу рангли машинани танлаган аёл билан ҳар бир мавзуда баҳслашишингиз мумкин. У ҳамма билан меъёрни белгилай олади. Ҳеч бир саволингиз жавобсиз қолмайди, аммо унинг саволлари сизни кўп ўйлашга, баъзида асабийлашингизга сабаб бўлиши мумкин.

05

Металл рангли машина соҳибалари жуда тартибли бўлишади. Шу сабаб уларга қонун-қоидалар, йўлда ҳаракатланиш тартиби ҳақида маъруза ўқиманг. Яхши-си, у агар католикка йўл қўйса, айланиб ўтинг. Шундагина ғалаба қозонишингиз мумкин.

Аёл киши бошқарган машинадан бемалол уй-рўзгор буюмлари, либослар ва болалар ўйинчоқларини топасиз!

Агар машинанинг фаралари ўчмаган бўлса, ажабланманг!

Машина ҳужжатлари унинг иш қоғозлари билан араллашиб кетиши... табиий ҳол!

Балон, бензин ва машина мойи... улар ўз ишини охиригача бажаради. Чунки хонимлар кўпинча уларнинг “ҳолдан хабар олишни” унутади.

Яна бир нарса, ЙПХ ходимлари унутманг, аёллар учун ҳар куни байрам, сизнинг қизил таёқчангиз унинг “туғилган кунлари”ни тўхтата олмайди!

Кузатувчи ҳайдовчи Хоним

Эълон

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, фан арбоби, геология соҳасида йирик олим  
**Ҳабибулла АКБАРОВ**нинг  
вафоти муносабати билан маҳалладош дўстлари  
марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

TOSHKENT OQSHOMI

Манзилими: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:  
Қабулхона (71) 233 61 10  
Реклама (71) 233 28 95

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-001-рақами билан рўйхатга олинган

Нашр учун масъул  
**З. НАЗАРОВ**

Топшириш вақти 00:55  
Топширилди 05:00  
Буюртма -

МУАССИС:  
ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Севдо Ниёзова

“NISO POLIGRAF” МЧЖ  
босмаҳонаси.

Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта  
Чирчиқ тумани, “Машғал”  
маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет  
усулида босилди. Адади 500  
нуса, қоғоз бичими А3

Газета таҳририят  
компьютер марказида  
саҳифаланди

